# МЕХАНИЗАЦИЯ — ПАХТАЧИЛИГИМИЗНИНГ ИСТИҚБОЛИ

XXII КПСС МК ноябрь Пленумининг қарорларини АМАЛГА ОШИРАМИЗ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 36 (2327), | 20 февраль, чоршанба, 1963 йил. | Баҳоси 2 тийин.

## КОСМОС ҚАҲРАМОНИ МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ ҲУЗУРИДА

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган СССР космонавт-учувчиси Павел Попович якшанба куни Зарафшон водийсига ва Мирзачўлга сафар қилди.

Эрталаб у, ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари В. А. Саюшев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат Қ. Муртазоев ва СССР Олий Советининг депутати М. Иброҳимов билан бирга Тошкентдан Самарқандга учиб кетди.

Самарқанд аҳолиси космос қаҳрамонини ғоят самимий кутиб олди.

Космонавт Самарқанднинг тарихий ёдгорликларини жуда қизиқиб томоша қилди. Улуғ олим Улуғбекнинг ўн бешинчи асрда барпо қилган астрономия обсерваторияси космонавтнинг алоҳида эътиборини жалб қилди.

Юзлаб студентлар, ишчилар, фан ва маданият арбоблари, маҳаллий гарнизон жангчилари А. Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг мажлислар залида тўпланишди. Бу ерда ўтказилган умумшаҳар митингида саноат область комсомол комитетининг биринчи секретари Н. Н. Санжара, университет студенти Озода Отаева, ёш медицина олими, фан кандидати Розия Усмонова, В. И. Ленин номидаги «Красный двигатель» заводининг созловчиси Николай Ягода, Гражданҳаво флотининг учувчиси А. Н. Дедиков, Горький номидаги 33-мактаб старший пионер вожатийси Лариса Зайкман сўзга чиқдилар.

Павел Романович Попович самарқандликларга сидқидил билан кутиб олганликлари учун чин кўнгилдан ташаккур айтди.

Космонавт энди Мирзачўл томон йўл олди. У тушган машина Ўзбекистон қўриқ ерининг бепоён далалари ўртасидан ғизиллаб бормоқда.

Йўл бурилиши билан чўлда қад кўтарган ва икки қаватли уйлардан иборат бўлган шаҳарча кўзга ташланади. Бу — «Главголодностепстрой» 6-совхозининг марказий усадьбаси. Шу ерда етиштирилган пахта ҳосилидан тўпланган жуда катта пахта ғарами олдида машина тўхтайди.

Пахта далаларининг донгдор новатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунованинг синглиси ёш механизатор Инобат Охуновани Павел Поповичга таништирдилар.

Тўрт космонавтнинг портретлари билан безатилган бинонинг олдида митинг бошланиб кетади. Совхоз комсомол комитетининг секретари Яйра Саъдуллаева, механизатор Хосият Усмонова, совхоз партия комитетининг секретари Саид Маматқулов бирин-кетин сўзга чиқадилар.

Улар партия, ҳукумат, шахсан Никита Сергеевич Хрушчев ҳамиша оталарча ғамхўрлик қилаётганлигини космонавтлар сингари қўриқ ерни ўзлаштирувчилар ҳам ҳар қадамда сезиб турганлигини, КПСС XXII съездидан кейин ўртоқ Н. С. Хрушчев Мирзачўлни ўзлаштирувчилар ҳузурига икки марта келиб, ўзининг қимматли маслаҳатлари билан совет пахтакорлигининг янги районини вужудга келтириш суръатларини тағин ҳам оширишга ёрдамлашганлигини хурсанд бўлиб гапириб бердилар.

Павел Попович қўриқ ерни ўзлаштираётганларга мурожаат қилиб, деҳқонларнинг меҳнати билан болалик чоғиданоқ яхши таниш эканлигини гапириб берди.

Павел Попович Тошкентга қайтиб келиб, кечқурун Округ Офицерлар уйида Туркистон Ҳарбий Округининг жангчилари билан учрашди.

Кечани Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони, армия генерали И. И. Федюнинский очди.

Капитан И. А. Ларин «Восток-4» кемасининг командирига Туркистон Ҳарбий Округи комсомоллари ва ёшларининг оташин саломини топширди.

Совет халқининг ақл-заковати, совет фани ва техникасининг жуда катта ютуқлари, совет олимлари, мутахассислари, инженерлари ва техникларининг муваффақиятлари, деди Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Ф. Ковалевич, Сизнинг, азиз Павел Романович, жасоратингизда ўз ифодасини топди.

Учрашувда тўпланганлар Павел Романович Поповичнинг нутқини гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар. У, космосни забт этган космонавтларнинг Туркистон Ҳарбий Округи жангчиларига жанговар саломини топширди.

(ЎзТАГ).



Суратда: ёш механизатор пахтакорларнинг III Бутуниттифоқ слёти қатнашчиларининг бир групласи. (Чапдан) Калинин районидаги «Қизил Узбекистон» колхозининг механик-ҳайдовчиси Рихси Қаюмова, Оққўрғон районидаги «XXII партсъезд» колхозининг турсунойчиси Сабоҳат Дадабоева, 2-«Оққўрғон» совхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тошмамат Алижонов ва 1-«Оққўрғон» совхозининг агрономи Қумри Убайдуллаева ўртоқлар танаффус вақтида ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

## ҚИШЛОҚ КОММУНИСТИ

Биз Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг сўнгги ўн йиллик тарихига назар ташласак, қишлоқ хўжалигини гуркиратишга максимум эътибор берилаётганлигини, бу масала пленумларнинг кун тартибига бот-бот қўйилаётганлигини кўрамиз. Бу табиий ҳол. Бугун далаларимиздан миллионлаб тракторлар қўшиқ айтиб ўтаётган экан, дарёларга сепоялар ташланиб, ажойиб нурхоналар яратилаётган экан, мартен печларининг оғзидан чўян қуёшдай эритиб олинаётган экан, қўшалоқлаб космик кемаларимиз юлдузлар томон учаётган экан, бу, шубҳасиз, қудратли индустриямизнинг хизмати ва шарофати. Лекин бизнинг қишлоқ хўжалигимиз, у қанчалик қулоч отмасин, аҳолининг ўсиб бораётган юксак талаблари даражасидан маълум даражада орқада қолаётир.

Коммунизм — маъмурлик демак. Коммунизм — дон, гўшт, сут, ёғ, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мўл-кўл яратиш демак. Буларнинг ҳаммасини сен яхши биласан, тушунасан, сезасан, қишлоқ коммунисти! Сенга шуниси ҳам аёнки, биз коммунизмни қуруқ ҳашам учун қурмаймиз, ширин яшаш учун қурамиз. Демак, сен, қишлоқдаги ўртоғимиз, бу ишга аввало ўзинг бош-қош бўлишинг керак. Сен партиянинг коммунистик фаровонлик учун кураш кетаётган жойдаги ташкилотчисан, агитаторисан, пропагандистисан, кўз қулоғисан! Сен олдинги маррадаги, сафдаги, ҳужумдаги жангчисан. Сен колхоз қишлоқларида, совхоз поселкаларида коммунизм машъалларини биринчи бўлиб ёқувчи чароғбонсан.

Қишлоқ коммунисти, сен қишлоқда коммунизм жарчисисан. КПСС аъзоларининг жуда катта армияси қишлоқда яшаб ишлаётган экан, оммани ўзига эргаштириб бораётган экан, коммунизмга йўл очаётган экан, бу энг зўр, қудратли куч. Қишлоқ аҳли сени яқин маслаҳатгўй, ўртоқ дейди. Пахтакорлар сени агроном, механизатор дейдилар, ғаллакорлар сени моҳир комбайнчи дейдилар, чорвадорлар сени уста чўпон дейдилар, сувчилар сени тажрибали мироб дейдилар, соҳибкорлар сени моҳир ишкор боғбон дейдилар. Бу сенга азбаройи ишончнинг зўрлигидан. Сенинг шахсий ўрнагинг — улар учун энг яхши мактаб, энг яхши совға, энг яхши қўшиқ. Сенга эътиқодлари шу қадар баландки, улар сен бор ерда ғалаба бор, сен юрган йўлдан катта карвон ўтади деб қаттиқ ишонадилар. Улар сенга ҳамма вақт партиянинг мухтор вакили деб қарайдилар. Улар доим сендай яшашга, ишлашга, ўқишга тақлид қиладилар.

Узоқ йиллардан бери Мирзачўлда қўриқ очиб, қудратли хўжалик барпо этган «Коммунизм» колхозининг раиси коммунист Турсунбой Латиповни ким билмайди дейсиз. У ўз ғайрати, ташкилотчилиги, колхоз ишлаб чиқаришига ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилиши, янги, илғор нарсаларни дарҳол сеза олиши билан фақат Янгиердагина эмас, бутун республикамизга маълум. Қишлоқ коммунистларининг олдинги сафларида бораётган, пахтачиликда механизацияни кенг жорий этиш йўлида жонбозлик кўрсатиб ишлаётган Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Жавод Кўчиевлар-чи. Никита Сергеевич Хрушчевнинг бевосита қўллаши ва маслаҳати билан пахтачиликдаги консерватизмни енгиб, минглаб ёш механизаторларни ўз орқасидан эргаштириб, турсунойчилар ҳаракатининг ташаббускорлари бўлганлар ана шу ўт юракли қишлоқ коммунистлари эмасми?

Яқинда газеталаримизда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг 1963 йилги олган социалистик мажбуриятлари эълон қилинди. Унда айтилишича, 1963 қишлоқ хўжалик йили деҳқончилик экинларини ва чорвачилик маҳсулотларини кескин равишда кучайтириш... йили бўлмоғи лозим. Далалар ва фермаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни ҳар томонлама кўпайтириш йўлларини кўрсатувчи янги машъаллар порлаб турсин.

Бунга эришиш сенинг партиявий бурчинг, қишлоқ коммунисти! Шундай қилгинки, устлабинсклик деҳқонлар бошлаб берган Бутуниттифоқ мусобақаси ҳамма ёққа тўлқинланиб ёйилиб кетсин, янгийўлликлар ташаббуси тупроқдан зар олувчиларнинг ҳимматини баланд қилиб юборсин.

Бу йил республикамиз бўйича Ватанга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришимиз лозим. Бундан 321,0 минг тоннасини областимиз бўйича етиштириб давлатга сотишга аҳд қилганмиз. Бу шунчаки ваъда эмас, балки ҳақиқий деҳқон сўзи. Булар етти йилликнинг бешинчи йилига ярашадиган ва бажариб бўладиган рақамлар. Коммунистик фаровонликка хизмат қиладиган рақамлар. Демак, қишлоқ коммунисти, юмушинг кўп, вазифанг катта. Бу рақамларни воқеликка, ҳақиқатга айлантириш учун аввало майдонда сен жавлон урушинг, намуна ва таъсир кучини кўрсатишинг керак. Шундай қилгинки, бу марраларни эгаллаш шараф ишига, қаҳрамонлик ишига, виждон ишига айлансин.

Энди қишнинг кучи қолмади. Совуқнинг дами кесилди. Қорлар эриб тупроққа сингиб кетди. Боди саболар эса бошлади. Деҳқонлар бўлиқ тупроқни кафтда уқалаб кўриб, ҳа, ер оби-тобига келиб қолибди демоқдалар. Букунги вазифа баҳорни, экишни енг шимариб, катта тараддуд билан кутиб олишдан иборат. Ҳосилдан ютқазмаслик учун вақтдан ютиш лозим. Бунга эришиш аввало сенинг даъватингга, жонкуярлигингга, зийраклигингга боғлиқ, қишлоқ коммунисти!

Партиянинг қишлоқдаги вакили! Колхоз-совхоз коммунисти! Ишлар қайнаётган жойдаги ўртоғимиз! Ҳамма гап энди сенинг одамларни улуғ ишга кўтара билишингда, ғалабани меҳнатда тоблай билишингда қолган. Сен енгувчи, зафар қозонувчи партиянинг аъзосисан. Олдинга шаҳдам бос, истиқболни, коммунизмни яқинлаштир!

## ЛАОС КОРОЛИ МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

**МОСКВА, 18 февраль. (ТАСС).** Совет Иттифоқига давлат визити билан келган Лаос короли Шри Саванг Ваттхана Ҳазрат Олийлари, коалицион ҳукуматнинг бош министри шаҳзода Суванна Фума ва Лаоснинг бошқа давлат арбоблари бугун Москвадан Швейцарияга жўнаб кетдилар.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, А. Н. Косигин, А. И. Микоян ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Т. Кулатов, СССР министрлари, меҳнаткашларнинг вакиллари, чет эллик дипломатлар, журналистлар Лаос ва Совет Иттифоқи давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида ҳурматли меҳмонларни узатиб қолдилар.

Лаос королининг жўнаб кетиши муносабати билан аэродромда фахрий қоровул саф тортиб турди ва Лаос ҳамда СССР давлат гимнлари ижро этилди, тўплардан ўқ узиб, салют берилди.

Л. И. Брежнев ва Шри Саванг Ваттхана нутқ сўзладилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

## МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОБЛАСТЬ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё область Советига сайлов ўтказувчи область сайлов комиссияси қуйидаги составда тасдиқлансин:

Область сайлов комиссиясининг раиси — **Тўраев** Азиз Апакович — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Янгиер ташкилотидан.

Область сайлов комиссияси раисининг ўринбосари — **Муратов** Магамет — «Главголодностепстрой» 2—СМУ касаба союзи ташкилотидан.

Область сайлов комиссиясининг секретари — **Кузнецов** Николай Иванович — Янгиер ишлаб чиқариш бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

**САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АЪЗОЛАРИ:**

**Матвалиев** Сотволди — Гулистон ишлаб чиқариш бошқармасидаги Партия XXII съезди номли колхоз аъзоларидан.

**Бозорова** Шарофат — Янгиер ишлаб чиқариш бошқармасидаги 1-«Боёвут» совхози ишчи ва хизматчиларидан.

**Намозов** Мамазуҳур — Сирдарё ишлаб чиқариш бошқармасидаги Тарас Шевченко номли колхоз коммунистик ташкилотидан.

**Зоткина** Пелагея Денисовна — Пахтаорол ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Пахтаорол» совхози Партия XXII съезди номли бўлимининг ишчи ва хизматчиларидан.

**Султонова** Кульшара Бекашевна — Жетисай касалхонаси медицина ходимлари коллективидан.

**Ниетбоев** Жумабек — Киров район ижроя комитети халқ маорифи бўлими ходимлари коллективидан.

**Қулматова** Тамара — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи Жиззах ташкилотидан.

**Исмоилов** Карим — «Главголодностепстрой» 4-автобазаси ишчи ва хизматчилари коллективидан.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси**
**Ё. НАСРИДДИНОВА,**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари.**
**Р. САХИБОЕВ.**

1963 йил 19 февраль, Тошкент шаҳри.

## ЁШ МЕХАНИЗАТОР ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ УЧИНЧИ СЛЁТИ

Ёш механизатор пахтакорларнинг Бутуниттифоқ учинчи слёти 19 февралда ўз ишини давом эттирди.

Пахтани машинада теришда эришган муваффақиятлари учун мукофотлар билан тақдирланган пахта териш агрегатлари механик-ҳайдовчиларидан бир группасига эрталаб СССР орденлари тантанали вазиятда топширилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб туради. Илҳомбахш меҳнати ҳамма ёшларга, пахта далаларининг ҳамма меҳнаткашларига ибрат бўлиб хизмат қилаётган атоқли механизаторлар мукофотлар қўйилган стол ёнига бирин-кетин келадилар. Ёш механизаторлар социалистик мусобақаси ташаббускорларининг ютуқларини Ватан, Коммунистик партия ҳукуматнинг олий мукофотлари билан тақдирлади. СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Ё. С. Насриддинова орденларни топширар экан, пахтачилик новаторларини қизғин табриклайди, уларга ўз ишларида янги муваффақиятлар тилайди.

Ҳукумат мукофотлари топшириб бўлингандан кейин СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Павел Романович Поповичга сўз берилади. Юлдузлараро парвоз қилган совет кемалари капитанлари шонли оиласининг вакилини механизаторлар ўринларидан туриб қизғин табриклайдилар.

Ўзбекистон ССР Шеробод ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Янгиобод» совхозининг механик-ҳайдовчиси Светлана Продан, Ўзбекистон ЛКСМ Хоразм область комитетининг биринчи секретари А. Қўчқоров, Озарбайжон ССР Астрахан-Бозор ишлаб чиқариш бошқармасидаги Азизбеков номли колхозининг бригада бошлиғи Комил Абишов, Тожикистон ССР Восе ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхоз комсомол ташкилотининг секретари Гавҳар Пироқова, Туркманистон ССР даги Байрамали совхозининг бригада бошлиғи О. Отажонов, Ўзбекистон ССР Амударё ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Ленинизм» колхозининг раиси Ойим Камоловалар слётда сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг секретари, КПСС Марказий Комитети Қишлоқ хўжалик бюросининг раиси В. И. Поляков слётда нутқ сўзлади.

Слёт қатнашчилари мамлакатнинг пахтакор республикаларидаги барча механизаторлар, колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларига Мурожаат қабул қилдилар

Ёш механизаторлар ғоят баланд руҳ билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевга табрикнома қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

## ДАЛА ГВАРДИЯЧИЛАРИ ОТЛАНМОҚДАЛАР

Тошкентда бўлиб ўтган ёш механизатор-пахтакорларнинг Бутуниттифоқ слётида икки кун давомида мамлакат пахтакор республикаларидаги комсомол ташкилотлари ва барча ёшларининг пахтачиликка комплекс механизацияни янада кенгроқ жорий қилиш соҳасидаги вазифалари тўғрисида катта ва принципиал муҳокама бўлди.

Ўзбекистон, Тожикистон, Озарбайжон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Арманистон ёш механизаторларининг вакиллари ана шу вазифаларни партиянинг тарихий XXII съезди, КПСС Марказий Комитети март ва ноябрь Пленумларининг талаблари нуқтаий назаридан муҳокама қилиб, етти йилликнинг бешинчи йилида пахта ҳосилдорлигини ошириш, техника тараққиётининг муваффақиятларини кенг татбиқ этиш йўлида янги муҳим қадам ташлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Улар совет пахтакорларининг энг яхши дўсти Никита Сергеевич Хрушчев маслаҳатлари ва кўрсатмаларини мумкин қадар муваффақиятли амалга оширишга отланаётганликлари ҳақида якдиллик билан гапирдилар.

Ёшлар ҳар гал тўпланганларида ўз кенгашларига турмуш тажрибасига бой ветеранларни таклиф қиладилар. Слётнинг фахрий қатнашчилари орасида етмиш яшар пахтакор, Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги донгдор «Шарқ юлдузи» колхозида муттасил раис бўлиб ишлаб келаётган, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ҳамроқул Турсунқулов** энг шарафли ўринлардан бирини эгаллади.

Слёт қатнашчилари унинг нутқини сабрсизлик билан кутар эдилар. Чунки «оқ олтин»дан мўл ҳосил етиштириб келаётган ва бутун мамлакатга машҳур бўлган бу моҳир пахтакор яқинда «Сельская жизнь» газетаси саҳифаларида ғоят муҳим масалани — пахтани машинада теришнинг тақдири ҳақидаги масалани кўтариб чиққан эди.

— Ҳа, пахта териш техникасидан жуда кенг фойдаланмасак,— деди слёт минбаридан Ҳамроқул Турсунқулов,— пахтакорлар меҳнатини индустриал меҳнатга айлантира олмаймиз. Биз машинада қанча кўп пахта терсак, пахта шунча арзонга тушади. Теримни қанчалик барвақт тамомласак, далаларни кўкламга тайёрлаш ҳақида шунчалик кўп ғамхўрлик қиламиз, ҳосил ҳам шунчалик юқори бўлади. Машиналарни жорий қилиш — кўп эътибор талаб қилинадиган катта иш. Шунинг учун ҳам бу иш ажойиб ёшларимиз зиммасига юклатилмоқда. Шубҳа йўқки, ёшлар бу ишда муваффақиятларни қўлга киритиб, партия ва халқ ташаккурига сазовор бўлади. Орангизда бундай ишларни қилган кишилар жуда кўп, энг яхши ёшлар пахта далаларида техника ёрдами билан қандай мўъжизалар яратиш мумкинлигини кўрсатиб бердилар.

Мана, минбарга энг яхши совет пахтакорларидан бири, «оқ олтин» етиштириш ва теришдаги ҳамма процессларни комплекс механизациялашнинг ташаббускори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Валентин Тюпко** чиқади. В. Тюпко бу соҳада 10 йилдан бери иш олиб бормоқда. У, Ўрта Осиё Машина-синаш станцияси далаларида эришган ажойиб ютуқлар слёт қатнашчиларига яхши маълум. Лекин шунда ҳам унинг режалари ҳаммани ҳайратда қолдирди. Тюпко бошлиқ коллектив бу йил 35 центнердан ҳосил олиб, ҳар бир центнер пахта таннархини олти сўмга тушириш ниятидадир.

— Мутахассислар билан тез-тез маслаҳатлашиб туринглар,— дейди у,— техникани муваффақиятли эгалланг, бизга партия кўрсатган юксак марраларни техникасиз қўлга киритиб бўлмайди. Илгари аравага от қўшишни билмаган деҳқонни деҳқон деб аташ мумкинмиди? Бизнинг давримизда эса пахтакор тракторни жиловлай олмаса, у, ана шу қишлоқ хўжалигининг асосий қуролини бошқара олмаса, уни пахтакор деб атаб бўлмайди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ташаббуси билан, деди нотиқ, станцияда икки йилдан бери илғор тажриба мактаби ишлаб турибди. Бу мактабда кўпгина республикаларнинг механизаторлари ўқимоқдалар.

В. А. Тюпконинг издоши, Туркманистон ССР «Байрамали» совхозининг бригадири **О. Отажонов** машиналардан кенг фойдаланган ҳолда пахтачиликда қандай муваффақиятларга эришиш мумкинлигини ўз бригадаси мисолида кўрсатиб берди. Олти кишидан иборат бўлган у бошлиқ бригада ўтган йили пахта тайёрлаш планини 123 процент бажарди.

Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ильич номли колхоз комплекс механизациялашган бригада раҳбари **Мамажон Дадажонов** Тюпко мактабида шуғулланмоқда.

— Пахта,— деди Дадажонов,— Ўзбекистон меҳнаткашларининг ифтихори, коммунистик мўл-кўлчиликка улар қўшадиган асосий ҳиссадир. Биз, ёш меҳнаткашлар, «оқ олтин» ҳосилдорлигини тўхтовсиз оширишни ўз муқаддас бурчимиз деб биламиз. Ўтган йили бригадамизнинг ҳар бир аъзоси ҳисобига 15 тоннадан пахта етиштирилди. Бир центнер пахтанинг таннархи ўн икки ярим сўмга тушди. Мендан ана шундай

(Давоми иккинчи бетда).

## НАВҚИРОН ҚАЛБЛАР

### СЛЁТ ЗАЛИДАН РЕПОРТАЖ

*Анҳор ёқасида савлат тўкиб турган баҳайбат бинода бугун катта тантана. Бу ерга бепоён Ватанимизнинг кулча юзлари—йигит-қизлари тўпланган. Ёш механизатор-пахтакорларнинг III Бутуниттифоқ слёти бошланганига талай вақт бўлди. Йиғин қатнашчилари ҳали замон танаффусга чиқиб қолишади... Ана, чиқишди ҳам. Катта нақшин эшик очилиб, ичкаридан алла-қандай қизиқ гапдан шод кулаётган бир неча киши чиқиб келди. Уларнинг орасида ҳарбий кийинган, ўрта ёшлардиги, очиқ чеҳрали, ўртабўй киши ҳам бор эди. У кўзимизга иссиқ кўринди. Ким бўлдийкин? Ие, бу самовий биродарларнинг бири — Павел Романович Попович-ку!*

*Бинодан чиққан кишилар Анҳор лабида давра қуришдида, ўзаро қизғин суҳбатлаша бошлашди. Улар ўртасидан гоҳ ҳазил-мутоиба гаплар, гоҳ шод кулги кўтарилларди. Павел Романович «коинот ҳақидаги ҳикоям дўстларга тушунарли бўлсин» деган мақсаддами, қўлларини чаққон ҳаракатга келтириб ҳаво бўшлиғида қандайдир шакллар ясаб гапирарди:*

*— Мен бугун сиз пахтакорлар орасида бўлганим, ёш механизаторларнинг Бутуниттифоқ слётида қатнашаётганлигим учун ҳам ўзимни бахтиёр деб ҳис қилмоқдаман. Тошкентга келаётганимда самовий биродарларим Юрий, Герман ва Андриянлар сизларга самимий салом йўллашди.*

*— Раҳмат сизга, Павел Романович, — деди самимият билан Турсуной Охунова, — диёримизга келганингизнинг ўзи бизни беҳад қувонтирган эди. Бизнинг фахримиз, қувончимиз бўлган Юрий Алексеевич, Герман Степанович, Андриян Григорьевичлардан келтирган саломингиз эса кўнглимизни тоғдай кўтариб юборди.*

*— Мен дўстим Андриян билан бирга коинотда парвоз қилиб юрганимда беихтиёр сиз пахтакорларни кўз ўнгимга келтирдим. Негаки, сизлар ўз шарафли меҳнатингиз билан бизнинг ишимизга маълум даражада ҳисса қўшаяпсизлар. Негаки, сизлар пешона тери тўкиб етиштирган «оқ олтин»нинг толалари бизлар билан бирга коинотда парвоз этди.*

*Шу пайт бўйнига аппарат осиб олган фотомухбир йигит одамлар даврасини ёриб ўтди-да, коинот лочини билан суҳбатлашаётган пахтазор лочинларини суратга олди.*

*— Агар олган суратингизни номламоқчи бўлсангиз, «мусобақадошлар учрашганда» деб номланг, — деди ҳазиллашиб Павел Романович бояги йигитга нигоҳ ташларкан, — нега десангиз биз космонавтлар коммунизм пойдеворини қураётган ишчилар, хизматчилар ва деҳқонлар билан мусобақалашаяпмиз.*

*— Ҳа, — гапга аралашди Ҳамроқул ота Турсунқулов, — биз космонавтлар билан мусобақадошмиз. Космонавтлар юлдузлар манзили томон қанча дадил интилишаётган бўлса, биз деҳқонлар «оқ олтин» хирмонини тоғ-тоғ қилиш учун шунча дадил ҳаракат қиляпмиз.*

*Бу қизғин суҳбат анчагача чўзилди. Кейин коинот қаҳрамони илиқ табассум аримаётган чеҳралар куршовида слёт залига кириб кетди...*

*Ҳўв нарироқда давра қурган кишиларнинг суҳбати ҳам дақиқалар ўтгани сайин қизиб борарди. Валентин Афанасьевич Тюпко ўзини ўраб олган бир группа йигит-қизларга алланималарни уқтираяпти. Мана, унинг сўзлари:*

*— Пахтачиликни комплекс механизациялаштиришнинг аҳамияти тўғрисида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади. Буни ўзларингиз жуда яхши тушинасизлар. Мен шуни айтмоқчиманки, бу муҳим ишда барча имкониятлардан тўла фойдаланиш керак. Ҳозир қўлимизда бор бўлган техника билан ҳам жуда катта ишларни бажарса бўлади. Ҳамма гап ишнинг кўзини билиб иш юритиш, жон куйдириб меҳнат қилишга боғлиқ. Ўзбекларнинг «қимматли маслаҳат — олтиндан қиммат» деган нақли бор. Мазкур слётда биз ўзаро тажриба алмашамиз, бир-биримизга қимматли маслаҳатлар берамиз. Бу маслаҳатлар ишимизга катта фойда беради.*

*Бу даврага йиғилган йигит-қизларнинг ҳар биридан янги гап чиқарди. Оққўрғонлик Тошмамат Алижонов ўзи бошчилик қилаётган бригада аъзолари ҳосилдорлик жиҳатидан қолоқ бўлган участкага ўтиб ишлаётганликлари ҳақида гапирса, пахтаоролик Ширингул Жетписова бу йил ўз машинаси билан камида 200 тонна «оқ олтин» теришга аҳд қилганлигини айтарди...*

*Бироздан сўнг ҳовлига чиқиб қизғин суҳбат қурганларнинг ҳаммаси ичкарига кириб кетди. Слёт залида дилга бориб етувчи, кишини ўн чандон илҳомлантириб юборувчи ғоят маъқул гаплар яна янграйбошлади...*

*Ш. ШОРАҲМЕДОВ.*

*Тошкент. Ленин майдони.*

